**РАСМИЙ БЎЛИМ**

# ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР — ИСТИҚБОЛ ТАЯНЧИ

Улар — иқтидорли, истеъдодли болалар, биз билан бир сафда яшамоқдалар. Худога минг бор шукрки, улар кўп. Турғунлик йилларда, шунингдек, ундан олдинги даврларда ҳам уларга жиддий эътибор берилмади. Мана эндиликда, мустақилликка эришилиши туфайли ёшларнинг қобилиятларига бўлган муносабат тамоман ўзгарди, аниқроғи истеъдодларсиз тараққиётга эришиш қийин эканлиги англаб етилди. Ниҳоят, мактаб ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича анъанавий олимпиадалари, ижодкор ёшларнинг танловлари ва слётлари, спорт мусобақалари ўтказилишида бу ижобий муносабат яққол кўзга ташланди.

Бу йил эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг республикамиз ёш фуқароларининг қобилиятлари ва ижодкорлигини ўстиришга, истеъдодларнинг ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитлар яратишга йўналган «Ўзбекистоннинг ўқувчи-ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши истеъдодли ёшлар иштирокидаги бу тадбирларни ўтказишга алоҳида руҳ бахш этди. Ўзбекистон ҳукумати ҳам бу борада махсус қарор қабул қилди. Қарорга биноан «Республика олимпиадалари, танловлари ва спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида Низом» ҳамда «Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари ғолиблари бўлган мактаб ўқувчиларини рағбатлантириш тартиби» ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Қуйида ана шу ҳужжатларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

## РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИАДАЛАРИ, ТАНЛОВЛАРИ ВА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

# Н И З О М

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси қарорларига кўра ўтказиладиган жумҳурият мусобақалари — умумтаълим фанлари бўйича мактаб ўқувчилари олимпиадалари, бадиий ижодкорлик ихтисослари бўйича ўқувчилар танловлари, спорт турлари юзасидан шахсий ва команда бўйича спорт мусобақаларини ташкил этишнинг умумий тамойилларини белгилайди.

2. Мактаб ўқувчи ёшлари ўртасида ўтказиладиган олимпиадалар, танлов (конкурс)лар, спорт мусобақаларининг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

— мактаб ўқувчилари истеъдод ва қобилиятларини ривожлантириш;

— ўқувчиларда ўзлари танлаган фанлар ва ихтисосларни чуқур ўрганишга қизиқишни ошириш;

— ўқувчиларнинг келажакдаги касбларини тўғри танлашга майл ҳосил қилиш;

— ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, қобилиятли ўқувчилар билан мақсадга йўналтирилган индивидуал ишларни олиб борувчи ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ўстириш.

3. Республика олимпиадалари ҳар йили мактабларнинг IX — X — XI синфлари ҳамда ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари ўртасида ўтказилади. Олимпиадага киритиладиган фанлар рўйҳати, тартиби ва ўтказилиш муддати халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Олимпиадалар тўрт босқичда ўтказилади:

1-босқич — ўқиш жойи бўйича;

2-босқич — туман, шунингдек, ҳудуди туманларга бўлинмаган шаҳар бўйича;

3-босқич — вилоят, шу жумладан, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳри бўйича;

4-босқич — республика бўйича.

Олимпиаданинг биринчи босқичида мактаблар ва билим юртларининг барча ўқувчилари иштирок этишлари мумкин, навбатдаги босқичларда эса фақат ўтган босқичда I, II, III ўринни олиб, ғолиб бўлганлар қатнашадилар.

Олимпиаданинг барча босқичларида ғолиблар фанлар бўйича ҳам, юқори синф ўқувчилари ўртасида ўқув синфлари (курслари) бўйича ҳам алоҳида-алоҳида аниқланади.

Олимпиада босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш масъулияти тегишли равишда мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, маҳаллий халқ таълими органларига, якунловчи тўртинчи босқич эса Халқ таълими вазирлиги раҳбарлари зиммасига юкланади.

4. Ижодкор ёшлар республика танлови икки гуруҳда:

— болалар музика мактаблари ва санъат мактаблари;

— ўрта махсус ўқув юртлари ва махсус музика-бадиий мактаб-интернатлари ўқувчилари ўртасида ўтказилади.

Маданият ишлари вазирлиги ихтисослар рўйхатини ва танловлар шартларини тасдиқлайди.

Болалар музика мактаблари ва санъат мактаблари ўқувчиларининг музика фанлари (предметлари) бўйича танловлари ҳар уч йилда бир марта босқичлар бўйича ўтказилади:

1-босқич — туман, шунингдек, ҳудуди туманларга бўлинмаган шаҳар бўйича;

2-босқич — вилоят, шу жумладан, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳри бўйича;

3-босқич — республика бўйича;

Танловнинг биринчи босқичида ўз ўқув юртларидаги ҳисобот концертларида энг эътибор қозонган ўқувчилар иштирок этадилар.

Иккинчи босқичда I, II, III ўринларни олган ғолиблар, учинчи якунловчи босқичда эса фақат ҳар бир ихтисосликдан биринчи ўринни олган, танловга тавсия этилган ўқувчилар иштирок этадилар.

Ўрта махсус ўқув юртлари ва махсус музика-бадиий мактаб-интернатлари ўқувчиларининг ижодкорлик танловида музика ижрочилари ўртасида ҳар икки йилда бир марта уч турда ўтказилади.

Бу танловларга саралаб олиш ва йўлланма бериш ҳисобот концертлари якунлари бўйича амалга оширилади. Танлов турлари Маданият ишлари вазирлиги белгилаган тартибда ўтказилади. Ғолиблар (I, II, III ўринлар) фақат сўнгги якунловчи тур бўйича аниқланади.

Ўқувчилар ижодкорлик танловлари босқичлари ва турларини ташкил этиш масъулияти мувофиқ равишда ўқув юртлари, маҳаллий маданият органлари ва Маданият ишлари вазирлиги зиммасига юклатилади.

5. Республика спорт мусобақалари ҳар йили спорт турлари бўйича умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ва олимпия резервлари ўқув юртлари командалари ўртасида ўқув йили давомида босқичлар бўйича ўтказилади.

1-босқич — ўқув юртлари бўйича;

2-босқич — туман, шунингдек, ҳудуди туманларга бўлинмаган шаҳар бўйича;

3-босқич — вилоят, шу жумладан Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳри бўйича;

4-босқич — республика бўйича.

Спорт мусобақаларининг ҳар бир босқичи спорт турлари хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда энг кучли спортчиларни саралаш асосида ўтказилади.

Спорт турлари, мусобақалар ўтказилиш муддатлари ва мусобақа дастурлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан Жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитасининг биргаликда қабул қилган қарорида белгиланади.

Ғолиблар (I, II, III ўринлар) спортнинг ҳар бир тури бўйича аниқланади. Спорт мусобақалари босқичларини ташкил этиш масъулияти мувофиқ равишда мактаблар, билим юртлари, жисмоний тарбия ва спортни бошқарув маҳаллий органлари раҳбарлари, тўртинчи финал босқичи Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси зиммасига юклатилади.

6. Ғолибларни тақдирлаш халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолиблари бўлган мактаб ўқувчиларини ва, умуман, ўқувчиларни рағбатлантириш Тартибига мувофиқ амалга оширилади.

7. Республика мусобақаларини ўтказиш бўйича барча комплекс тадбирларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси ва уларнинг жойлардаги органлари ўз буйруқлари билан ташкилий қўмиталар, жюрилар, ҳакамлар ҳайъатлари, апелляция комиссиялари ва бошқаларни тузадилар.

Ташкилий қўмиталар олимпиадалар, танловлар ва мусобақаларга тайёргарлик ҳамда ўтказишда ягона илмий-услубий ёндашувни таъминлайдилар, жюрилар, ҳакамлар ҳайъати, апелляция комиссиялари ва бошқа тузилмалар таркибини шакллантирадилар ва тасдиқлайдилар, тестлар ва синов топшириқларини тайёрлашни ташкил этадилар, баҳолаш мезонлари ва якун чиқариш тартибларини тасдиқлайдилар, мусобақага қатнашчиларнинг келиши билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этадилар.

Жюри, ҳакамлар ҳайъатлари эса ғолибларни аниқлайдилар, олимпиада, танлов ва мусобақалар якунларини қарор протоколи билан расмийлаштирадилар.

Апелляция комиссиялари олимпиадалар, танловлар ва мусобақалар қатнашчиларининг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқадилар. Комиссияларга зарурий бўлганда жюри, ҳакамлар ҳайъатлари қарорларини бекор қилиш ва уларга ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилади.

8. Олимпиадалар, танловлар, мусобақаларнинг ўтказилиш муддатлари ва жойлари қатнашчиларни турар-жой, озиқ-овқат билан таъминлашда ва бошқа ташкилий масалаларни ҳал этишда ёрдам кўрсатадиган тегишли ҳокимиятлар билан келишилади.

9. Ўқувчилар мусобақаларини молиявий таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган сметалар бўйича амалга оширилади.

## ХАЛҚАРО ВА РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИАДАЛАРИ, ТАНЛОВЛАРИ, МУСОБАҚАЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ БЎЛГАН МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

# Т А Р Т И Б И

1. Рағбатлантириш тўғрисидаги мазкур тартиб умумтаълим фанлари бўйича ўқувчиларнинг расмий халқаро ва республика олимпиадалари, бадиий-ижодкорлик ихтисослари бўйича мактаблар, санъат ва маданият билим юртлари ўқувчиларининг танловлари, спорт мусобақалари ғолибларига қўлланади ҳамда олий ўқув юртига кириш имтиёзлари ва пул мукофотлари олиш тартибини белгилайди.

2. Халқаро (1—5-ўринлар) ва республика (1-ўрин) танловлар ва мусобақаларнинг индивидуал турларда ғолиблари бўлган мактаблар ва билим юртларининг битирувчи ўқувчилари олий ўқув юртларига тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонларсиз қабул қилинадилар.

3. Халқаро (1—5-ўринлар) ва республика (1-ўрин) танловлар ва мусобақаларнинг жамоа турларида ғолиб бўлган командалар таркибидаги мактаблар ҳамда билим юртлари битирувчиларидан белгиланган уч номзод олий ўқув юртларига тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонларсиз қабул қилинадилар.

4. Халқаро (1—5-ўринлар) ва Республика (1-ўрин) шахмат ҳамда шашка мусобақалари ғолиблари педагогик кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртларига тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонларсиз қабул қилинадилар.

5. Умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадалари (1—3-ўринлар) ғолиблари бўлган мактаблар ва билим юртларининг битирувчилари олий ўқув юртларига тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонларсиз қабул қилинадилар.

6. Айрим ҳолларда — халқаро танловлар ва мусобақаларни ўтказиш муддатлари тест синовлари ҳамда ўқув йили бошланиши кунларига тўғри келиб қолган даврда танловлар ҳамда мусобақалар қатнашчиларини олий ўқув юртларига қабул қилиш алоҳида белгиланган муддатларда ўтказилади.

Абитуриентларни олий ўқув юртларига қабули бўйича Давлат комиссияси тааллуқли вазирликлар ва идораларнинг илтимосномалари бўйича қабулга белгиланган умумий миқдордан ана шу тоифа абитуриентлар учун қабулга маълум ўринлар сонини ажратади ҳамда олий ўқув юртларига абитуриентлар қабул қилиш қоидаларини ўзгартирмаган ҳолда тест синовлари ўтказиш ва қўшимча имтиҳонлар топширишнинг аниқ муддатларини белгилайди.

7. Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари ғолибларини олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилиш олий ўқув юртлари ихтисосликлари билан олимпиада фанларининг, танловлар ихтисосликларининг, спорт турларининг ихтисосий мос келишига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

8. Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ҳамда мусобақаларининг ғолибларини тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонларсиз олий ўқув юртларига қабул қилиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таъсис этган махсус гувоҳнома асосида амалга оширилади.

Имтиёзларга эга бўлган ғолибларга махсус гувоҳнома берилади ва гувоҳнома олий ўқув юртига кириш учун зарур ҳужжатлар билан бирга қабул комиссиясига топширилади.

9. Халқаро олимпиадалар, танловлар ва мусобақалар ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитасига ўзлари эришган натижаларини тасдиқловчи дипломни (1—3-ўрин) ёки жюри қарорини (4—5-ўрин) махсус гувоҳнома берилишига асос сифатида кўрсатадилар.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси назорат тартибида ғолибларга берилган махсус гувоҳномаларнинг рақамларини қайд этиш билан битирувчилар рўйҳатини тест синовлари ўтказиладиган кундан олдин олий ўқув юртларига абитуриентлар қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига тақдим этадилар.

11. Халқаро бадиий-ижодкорлик танловлари, олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа биринчилиги мусобақаларининг ғолиблари ўзларининг олий ўқув юртларига кириш имтиёзи ҳуқуқларидан уч йилгача, республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолиблари эса бу тадбирлар ўтган кундан бошлаб бир йил давомида фойдаланишлари мумкин.

12. Халқаро (1—5-ўринлар) ва республика (1—3-ўринлар) олимпиадалар, танловлар ва мусобақалар ғолибларига индивидуал тарзда ҳам, жамоа турлари тарзида ҳам дипломлар билан бирга эгаллаган ўринларига мувофиқ белгиланган миқдорларда пул мукофотлари топширилади.

Ғолибларга пул мукофотлари ташкилотчи муассасалар совринларидан қатъий назар топширилади.

13. Олимпиадлар, танловлар ва мусобақалар ғолибларини моддий рағбатлантириш учун маблағ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси сметаларида кўзда тутилади.

14. Ғолибларга дипломлар, махсус гувоҳнома ва пул мукофотлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси томонидан тантанали вазиятда топширилади.

15. Халқаро республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолиблари олий ўқув юртларига қабул қилинганларидан кейин чет мамлакатлар ўқув юртларига юбориладиган гуруҳлар таркибига кириш имтиёзли ҳуқуқини оладилар.

16. Махсус гувоҳномалар рўйхатдан ўтказилган тартиб рақамига эга бўлиб, қатъий ҳисобот ҳужжатлари тоифасига киради, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида сақланади ва далилий талаб бўйича Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитасига берилади.

Гувоҳномада ғолибнинг сурати бўлсагина у ҳақиқий ҳисобланади. Махсус гувоҳнома йўқотилган ёки йиртиб юборилган тақдирда унинг ўрнига дубликат берилмайди.

17. Олий ўқув юртларига имтиёзли киришни амалга ошириш масалалари юзасидан ғолибларнинг ариза ва шикоятларини олий ўқув юртларига абитуриентлар қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси, бошқа масалалар юзасидан мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси кўриб чиқади. Аризаларни кўриб чиқиш муддати бир ойдан ошмаслиги керак.

### ТААССУРОТЛАР ЗЎР БЎЛДИ

СУРХОНДАРЁ. Бойсун тумани халқ таълими бўлимида ўқитувчилар, ўқувчиларнинг тумандаги меҳнат фахрийлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар билан учрашуви бўлди.

Туман халқ таълими бўлими мудири Ф. Намозов йиғилганларни ушбу анжуман билан табриклаб, бу ёшлар таълим-тарбиясида катта аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, туман ҳарбий комиссариати бўлими бошлиғи ҳам сўзга чиқиб, ёшларни ватанпарварликка, меҳр-оқибатли бўлишга, ўз юртини севишга чақирди.

Учрашувда ветеранлар қатори вилоятда ҳарбий хизмат бурчини ўтаётган йигитлар ҳам қатнашиб, хизматдаги таассуротлари билан ўртоқлашдилар. Хуллас, бу учрашувнинг таассуроти зўр бўлди.

**И. РИХСИЕВ.**

### МАВСУМ ДАВОМ ЭТАЯПТИ

БУХОРО. Ўлкамизда баҳор кезмоқда. Ошифта кўнгилларга бахт, яшариш, янгиланиш улашган бу йилги баҳорнинг тароватни ўзгача. Дарҳақиқат, баҳорнинг илк кунларидан унумли фойдаланиш, кўкаламзор, мевали ва манзарали ниҳоллар экиб, ўлкани яшнатишдан Бухоро тумани халқ таълими бўлимидагилар ҳам четда қолган эмас.

Шу кунгача туман тасарруфидаги мавжуд мактабларда минглаб дарахт кўчатлари ўтқазилди. Шунингдек, мактаблар бисотидаги ер-участкалари тозаланиб, ҳар хил экинлар, жумладан, карам, картошка, сабзи, пиёз каби экинлар ҳам экилди. Ўтган йили ҳам мактабларнинг участкаларида етиштирилган ҳосил йил давомида ўқувчиларнинг ўзларига тортиқ қилинганди. Шу кунларда қилинган меҳнатнинг самараси яхши бўлишига тумандагилар катта умид боғлашмоқда.

**Ҳ. МУРОДОВА.**

### ҚУРС ЯКУНЛАНДИ

САМАРҚАНД. Ўқитувчиларнинг тажриба алмашишларида, илғор усулларни амалда қўллашларида вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш олий илмгоҳининг хизмати катта бўлмоқда.

### ЎЗБЕКИСТОН МАОРИФЧИЛАРИДАН „МАЪРИФАТ"ГА

Яқинда вилоятнинг барча туманларидан келган яна бир неча нафар муаллимлар бу ерда ўз малакаларини ошириб, бир ойлик курсни ўқиб тугатдилар.

Малака ошириш институтидаги яратилган шарт-шароит ўқитувчиларни янада изланишга илҳомлантирди. Шунингдек, институтнинг илғор, ўз мутахассисликларини пухта билган ўқитувчи ва олимлари ҳам туманлардан келганларга чуқур ва пухта билим бериб, катта таассурот қолдирди.

**Б. ЭРАЛИЕВ.**

### ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРАДИ

ФАРҒОНА. Қўқон давлат педагогика олий илмгоҳининг ташаббуси билан яқинда яна бир амалий ишга киришилди. Шаҳар ички ишлар бўлими билан келишилган ҳолда энди илм ўчоғи ҳамда бу ерда таълим олаётганлар истиқомат қилаётган ётоқхоналарни доимий муҳофаза қилиш йўлга қўйилди.

Ҳамкорлик асосида йўлга қўйилган бу ишни барча маъқуллаш билан бирга, у ўзининг яхши самарасини ҳам бермоқда. Энг муҳими, талабалар бундан жуда-жуда қувонишаяпти.

**А. РУСТАМОВ.**

### АТАМАЛАР ҲАМ ЎЗЛАШТИРИЛАЯПТИ

НАВОИЙ. Ўзбек тилига давлат мақоми берилгач, шаҳар тиббиёт билим юртида ҳам хайрли ишлар бошлаб юборилди. Жумадан, билим юртида таълим-тарбия соҳасида ўзбек тилини кенг тарғиб қилиш, тиббий ўқитишни яхшилаш мақсадида маъмурият одимларидан, илғор ўқитувчи-врачлардан ташкил топган ҳайъат аъзолари тузилганди.

Натижада махсус тил ўрганувчи курслар ташкил этилиб, бунга сарфланадиган харажатлар билим юрти ҳисобидан ажратилди. Эндиликда, изланишлар ва югуриб-елишларнинг самараси ёмон бўлмаяпти. Билим юртида дарслар миллий тилда олиб борилиши билан бирга, тиббий атамалар ҳам аста-секин ўзлаштирилмоқда.

**И. ИСМОИЛОВ.**

*Давлат тили ҳақидаги қонун амалда*

# МУРАККАБ ЖАРАЁННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

Давлат тили мақомининг қамрови кенг. Бу ўзбек адабий тилининг ёзма ва оғзаки меъёри, нутқ маданияти жумбоқларини ечиш, ўрта ва олий мактабда ўзбек тилини ўқитиш ишини тубдан қайта қуришдан тортиб, бошқа миллат вакилларини ўзбек тилига ўргатиш, ўзбекча атамаларни тартибга солиш, ҳар бир идора, ташкилот номларини, транспортдаги ёзувларни, жой номларини тўғри танлаш ва тўғри ёзиш каби жуда кўп, сон-саноқсиз муаммоларни ўз ичига олади. Хўш, бу муаммоларни тўғри, асосли ҳал қилишда маълум бир йўлланма берувчи ягона марказ бўлиши керакми? Шубҳасиз. Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга оширишда ана шундай марказ ташкил топиб, шу ишларни ўз қўлига олдими? Тўғри, бу борада айрим қўмита ва комиссиялар тузилди, улар ҳозир ҳам ишлаб турибди.

Давлат тили қонунини амалга ошириш дегани тилимизда узоқ вақт ишлатилиб келинган, шу тилнинг мулки бўлиб, халқнинг руҳига сингиб кетган барча «чет» сўзларни, (айниқса, Оврупо тилларига оид) бир имо билан олиб ташлаб, асосан, араб-форс (яна чет сўзлар) тилларига оид атамаларни олиб кириб, оддий халқни, ҳатто шу соҳадан хабардор авлодни ҳам чалғитиш дегани эмас-ку! Бундай шошма-шошарлик шундай ҳам иқтисодий ночор давлатимизнинг моддий аҳволига таъсир қилади. Ҳайбаракаллачилик қилиб, тезликда тавсия этилган баъзи бир атамаларга дарров расмий тус бериб, уларни керакли жойларга ёзиб ҳам улгурдик. Бунинг эвазига давлат хазинасидан маблағ сарфланди. Бугунги кунга келиб буларни ҳам ўзгартиришга тўғри келяпти. Демак, яна давлат хазинаси жабр кўради. Бундай шошма-шошарликнинг салбий оқибатларига мисол қилиб матбуотда, кўрсатув ва эшиттирувларда, оғзаки нутқда ишлатилаётган қатор атамаларни эслатиб ўтиш кифоя: рўзнома, дорилфунун, дорилмуаллимин, муаллимлар олийгоҳи, олийгоҳ, илмгоҳ, манзилгоҳ, ойнома — жарида — ойбитиг — мажалла, район — ноҳия — туман — депара — ўрам, куллиёт, минбаргоҳ, тайёра, тайёрагоҳ ва ҳоказолар.

Давлат тили тушунчасини «халқ тили» тушунчасидан ажратиб бўлмайди. «Давлат тили» мақоми «халқ тили» мақомидир. Демак, Давлат тили мақоми ҳимоясида бугунги тилимизнинг, яъни халқ тили ва бошқа қардош ҳамда қардош бўлмаган тиллар ҳисобига шаклланган ўзбек тилининг қиёфасини сунъий равишда араб ва форс тиллари ишқибозларининг раъйи бўйича бузмаслигимиз керак.

Давлат тили мақомини тўғри йўлга солиш борасида луғат бойлигини тартибга соламиз деб сохта-ясама, тил «ҳазм» қилмайдиган ҳар хил сўзларни ўйлаб топавермасдан, ўзгартирмоқчи бўлган атамаларимизнинг муқобиллари мавжуд бўлган шеваларга, тилимиз тарихини ўзида мужассамлаштирган қадимги ёзув ёдгорликларимизга мурожаат қилишимиз керак.

Хўш, аслида халқнинг ўтмиши, ҳозирги куни, умуман бутун борлиғини ўзида мужассамлаштирган халқнинг сўз бойлигини ўрганишга муносабат қай аҳволда? Бу, биринчи навбатда, олий ўқув юртларининг филология факультетларида ўзбек шевашунослик фанининг ўқитилиши билан боғлиқ. Бу факультетларда «Ўзбек диалектологияси» курси учун иккинчи даражали фан сифатида, жуда кам соат ажратилган. Натижада талабалар бу соҳа бўйича у эшикдан кириб, бу эшикдан, асосан, қуруқ чиқиб кетадилар. Чунки ўзбек шевашунослик фанига тушуниб-тушунмай, ўгай кўз билан қараб келинганлиги оқибатида бу соҳа бўйича дарслик, қўлланмалар, ўқув-методик характеридаги ишлар жуда кам яратилган. Ваҳоланки, ўзбек тили тарихи, ҳозирги ўзбек тилининг тараққиёт манбалари бевосита шеваларга бориб тақалади. Бугунги кунда бу соҳанинг сиру асрорини тушунадиган, шу соҳага қизиқувчи бўлғуси шевашунослар авлодининг таназзулга юз тутаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Маълумки, ўзбек халқ шеваларини ўрганиш, улардаги бебаҳо сўз бойлигини тўплаш бўйича, асосан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тилшунослик институти қошидаги ўзбек тили диалектологияси бўлими шуғулланади ва айни пайтда республикадаги диалектологик тадқиқот ишларининг маркази ҳисобланади. Ана шу илмий марказнинг раҳбарлигида ўзбек шевашунослиги бўйича салмоқли ишлар қилинди, кўплаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ёзилди. Лекин ҳимоя қилинган диссертациялар муаллифларининг барчасини ҳам шу соҳага содиқ қолди, деб бўлмайди. Бундан ташқари, ўзбек диалектологияси бўлимининг имкониятлари ҳам тобора чекланиб бормоқдаки, бу янги, бўлғуси шевашунослар авлодининг камайиб кетаётганлиги билан изоҳланади.

